Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
13 май
ЧОРШАНБА
№ 37 (12777)

www.th.uz

Жасорат, бурч, матонат

ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ДАВРА ТЎРИДА

Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш анъанаси Кексаларни эъзозлаш йилида янада кенг қулоч ёйди.



Вилоятимизда "Жасорат, бурч, матонат" шиори остидаги эзгулик байрами шукуҳли ва кўтаринки руҳда ўтди. Асосий байрам тантаналарига мезбонлик қилган Олмалиқдаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Бу ерга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида жонини фидо қилганларнинг оила аъзолари, депутатлар, ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралди.

Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов ҳарбий оркестр садолари остида Эзгулик монументи, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасига таъзим бажо келтирди.

(Давоми 2-бетда).



Ҳаётимизга ўзгача мазмун-маъно бағишлаган яна бир сана – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Шукрким, ҳар байрам, ҳар кунимиз тинчлик, осойишталикда ўтмоқда. Боиси, чегараларимиз мустаҳкам, сарҳадларимиз дахлсиз. Бу йўлда чегарачи ватандошларимиз хизмати беқиёс. Она Ватан учун жисму жони қалқон ҳарбийларни хотирлаш, кексаларни, фахрийларни эъзозлаш учун Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий қисм штабида ҳам Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири уюштирилди. Унга уруш, меҳнат ва чегарачи фахрийлар, Ватан ҳимояси йўлида жонини фидо қилган чегарачи қаҳрамонларнинг оиласи, ота-оналари таклиф этилди.

МЕН ҚАЙТДИМ ТАРИХНИНГ ОЛТИН ХАТИДА...



Тадбир чегарачи қаҳрамонларга ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишдан бошланди. Ҳарбий қисм командири Д. Гордеев йиғилганларни Хотира ва қадрлаш куни билан қутлаб, бағрикенг, фидойи ўзбек халқининг уруш йилларидаги сабот-матонати, мустақил Ватан ҳимоячиларининг жасорати ҳақида сўзлар экан, улар хотираси мангу барҳаёт, ўсиб келаётган авлод учун ибрат мактаби, Ватан сарҳадларини бегона кўзлардан асраш ҳар бир ўғлоннинг йигитлик бурчи эканини таъкидлади.

Қаҳрамон чегарачи Иномжон Иброҳимов ҳақида унинг отаси, бекободлик Искандар Самадов шундай дейди:

– Ўғилларим Илҳомжон, Иномжон Иброҳимовлар Ватанини жон-дилдан севувчи, ҳақиқий инсон бўлиб етишганларидан хурсанд эдим, – дейди у. – Акаси Илҳомжонга ҳавас қилиб Иномжон ҳам ҳарбийликни танлади. У хизмат пайтида Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Эндигина 19 га кирган эди... Аммо, мен шундай мард, жасур ўғлоннинг отаси эканимдан фахрланаман...

Қаҳрамон чегарачилардан яна бири – Ермек Ўзбеков ҳақида онаси Жания, ўғли Ботир Ўзбеков отасининг порлоқ хотираси олдида ҳамиша бош эгиши, унинг ишини давом эттириш йигитлик, фарзандлик бурчи эканини таъкидлади.

Тадбир якунида меҳмонлар, фахрийларга вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалар бирлашмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари қатнашчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Сайёра ЭШМАТОВА,
Азамат АҲМЕДОВ
олган сурат.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН – ЭНГ БАХТЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрлари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Давлатимиз раҳбари тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида сўз юритди. Жумладан, яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзуида ўтказилган тадқиқот натижаларига эътиборни қаратди.

Ушбу тадқиқотга кўра, Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган.

Мазкур ҳисобот (World Happiness Report – Жаҳон бахт ҳисоботи) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти каби нуфузли муассасаларнинг статистик маълумотлари ва ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида тузилган. 2012-2014 йилларни қамраб олган бу галги рейтингда ҳаёт фаровонлигини таъминлайдиган энг муҳим соҳалар бўйича қирқдан ортиқ параметрлар қиёсий таҳлил қилинган. Уни тайёрлашда иқтисодиёт, сиёсат, психология, статистика, соғлиқни сақлаш, жамиятшунослик соҳаларида иш юритувчи мутахассислар, таҳлилчилар ҳамда мустақил экспертлар иштирок этган.

Лойиҳа раҳбари, Колумбия университетининг Ер институти директори Жеффри Сакснинг таъкидлашича, бахтли мамлакатлар рўйхати уларнинг иқтисодий салоҳияти, фаровонлик даражаси ва фуқароларнинг ўз ҳаётидан мамнунлигига қараб белгиланган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори, ижтимоий ҳимоя даражаси, оилалар мустаҳкамлиги, умр давомийлиги, шахс эркинлиги, жамиятдаги хайр-саховат ва ҳамжиҳатлик, аҳолининг хурсандчилигини ўрганиш бўйича ўтказилган сўров натижалари инобатга олинган.

Ўзбекистон бахтли мамлакатлар рейтингида юқори ўринларни эгаллагани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифати мазкур мезонларга тўла мос келади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рейтингда Ўзбекистондан юқори ўринларда ёки бир сафда қайд этилган давлатларнинг мустақил бўлганига 100-200 йилдан ошган. Мамлакатимиз бу даражага тарих олдида кўз очиб юмгунча бўлган вақтда – 23 йилда эришди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2015 йил 15 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 14 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

18 май – Халқаро музейлар куни

ЖОНЛИ ЎТМИШИМИЗ КЎЗГУЛАРИ

"Тарихий хотирасиз келажак йўқ..." Ҳар сафар Юртбошимизнинг ушбу сўзларини эслаб туриб, дунёнинг етук олимлари таъкидлаганларидек, "бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворислари" (Парвез Морвиж, АҚШ), "буюк зотлар авлоди, бетакрор мерос соҳиби" (Ки Чжили, Хитой) бўлган халқимизнинг истиқлол йилларида тиниқлашган ўтмишидан сўзлаб турувчи тарихий-меъморий обидалари, осориатиқалари, "очиқ осмон остидаги музей" дея таърифлаган шаҳарлари кўз олдимдан бир-бир ўтаверади. Шу маънода жонли тарихимиз кўзгуси музейларимиз мазмун-моҳияти, аҳамиятини чуқур идрок этиш нечоғлик зарур.

Мустақиллик йилларида барпо этилган буюк бобокалонимиз Амир Темур номидаги тарихий музей ўтмишию келажаги буюк халқнинг қадди-бастини тиклаб берди, десак муболаға бўлмас. Зеро, буюк аждодлари билан фахрланиш туйғуси инсонни доим олдинга интилишга чорлайверади. Музейдаги ҳар бир экспонатни диққат билан кузатиш асносида пайдо бўладиган инсоний сезги, ғурур, ифтихорнинг таърифига тил ожиз. Мамлакатимизда, хусусан вилоятимизда ҳам турли кўринишдаги музейлар, тарихий обидалар кўп. Ҳар бир шаҳар ва туманнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш салоҳияти, турмуш тарзи, табиати, ҳайвонот ва наботот олами ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий, ўлкашунослик музейлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Улардан бири Оққўрғон тумани Тарих-ўлкашунослик музейидир.

(Давоми 2-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

МИЛЛИЙ РУҲДАГИ ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

Улар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашини кенгайтириш, қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришга хизмат қилади

Тошкент Давлат аграр университетида "Олий таълим муассасалари талабаларининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича профессионал малакаларини оширишга кўмаклашиш" лойиҳасининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди.

(Давоми 3-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«БЕКОБОДГА ШОҲБЕКАТ КЕРАКМАСМИ?»

Газетамизнинг шу йил 22 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Бекобод шаҳрининг шаҳарлараро йўловчи ташувчи автобусларга хизмат қиладиган шоҳбекати ишламаётгани, йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш соҳасидаги баъзи муаммолар ҳақида фикр билдирилганди. Ушбу мақолага шаҳар ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи Ш. Марупов имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда хусусан шундай дейилади:

"Мақола шаҳар ҳокимлиги томонидан кўриб чиқилди. Унда келтирилган маълумотлар ўз тасдиғини топиб, мазкур масалада ҳақиқатдан шаҳар ҳудудида амалга оширилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд.

Кўрсатилган камчиликларга шарт-шароит яратиб берган "Бекобод бош бекати" унитар корхонасида фаолият юритаётган масъул ходимлар билан алоҳида йиғилиш ўтказилиб, қайд этилган ҳолатларнинг такрорланмаслиги юзасидан чоралар белгилаб олинди. "Тошкент – Бекобод" йўналишидаги автобуслар қатнови соат 6.30 дан бошлаб, 7.30 ҳамда 13.00ларда амалга оширилиши графиклари тасдиқланди.

Шунингдек, "Тошшаҳартранстерминал" уюшмасининг масъул ходимларига мурожаат этилганида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан йўловчиларга сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш мақсадида чора-тадбирлар белгиланиб, яқин кунларда замонавий кўринишдаги автобуслар ажратилиши, шаҳарлараро ва шаҳар атрофига қўшимча йўналишлар очилиши режалаштирилганини маълум қилишди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур ишларни амалга оширилиши ва қайд этилган ҳолатларнинг такрорланмаслиги шаҳар ҳокимлиги назоратига олинган".

Вилоятни яёв кезганда...

ЧИНОЗДАГИЛАР НИМА ДЕРКИН?

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Чиноз туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси ёнидан ўта туриб, одатдан ташқари гавжумликка эътибор бердим-у ичкари кирдим. Мазкур боғчанинг менга пешвоз чиққан мудираси Муҳаррам Кенжаева тумандаги мавжуд 14 та мактабгача таълим муассасалари ўртасида "Соғломжон-полвонжон" спорт мусобақаси ва жажжи мусаввирлар танлови шу ерда ўтаётганини айтди.

Болажонлардаги завқ, ғурур ва мамнуниятдан руҳланиб, тадбир лаҳзаларини суратга оларканман, майдонча устидан беўхшов ўтган қувур эътиборимни ўзига тортди. Иштирокчиларнинг байрам кайфиятини бузмаслик учун бу ҳақда оғиз очмадим. Аммо, латта-путталар билан ўралиб, имкон қадар безатилганига қарамай, боғча кўркини бузиб турган ушбу манзара хаёлимдан ҳеч кетмагани боис, икки кун ўтиб, яна шу муассасага қайтиб келдим.

(Давоми 2-бетда).



Жасорат, бурч, матонат

ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ДАВРА ТЎРИДА



– Эл-юрт тинчлиги йўлидаги сизнинг жасоратингиз ҳеч қачон унутилмайди ва ҳамиша уни қалбимизда сақлаймиз, – деди ҳоким. – Уруш йиллари вилоятимиздан жангга отланган икки юз мингдан зиёдроқ киши-дан фақат 150 мингга яқинига юртга қайтиш насиб этди. 50 мингдан зиёдроқ сиз азизларнинг қуролдошларингиз ўша машъум уруш қурбонига айланди. Шукрки, ҳозир уруш иштирокчиларининг 346 нафари қаторимизда.

Бугун сизнинг матонат ва мардлигингиз туфайли мана шундай дориламон кунларга етиб келдик. Сизларнинг шарафингиз билан бугун фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллигини биргаликда нишонламоқдамиз. Доимо соғ ва омон бўлинг!

Юксак савияда ташкил этилган тадбирдан сўнг, фахрийлар учун шаҳардаги "Космос" базмгоҳида байрам дастури намойиш этилди. Тўкин дастурхонга миллий таом – ош тортилди. Хонандаларнинг дилтортар қўшиқлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашиб, фахрийларни рақсга чорлади.

Байрам сўнгида фахрийларга ҳомийларнинг совғалари тортиқ этилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Даврон АҲМАД, Азамат АҲМЕДОВ, Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Хотира ва қадрлаш куни Кексаларни эъзозлаш йилида, айниқса, кенг кўламда нишонланди. "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони кекса авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

ХОТИРА БОҚИЙДИР, ҚАДР МУҚАДДАС



Муҳими, халқимиз, айниқса, ёшлар онгу шуурида ўтганлар хотирасини ёд этиш ва тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Зеро, бу ёруғ кунларга етиш, тинч ва осойишталик қадрини ҳис этиш бизга куч-қувват бағишлайди.

Оҳангарон политехника касб-ҳунар коллежида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Икки авлод учрашуви" ташкил этилди. Тадбирда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, жасорати ва мардлиги учун ҳукуматимиз томонидан тақдирланган фахрийлар Маҳкам ота Пўлатов, Бекмирза ота Абсаломов билан ўқувчилар ўртасида ҳаяжонли давра суҳбати бўлиб ўтди. Сўз олган устозларимиз тинчлик ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш, ўтганлар руҳини шод этиш, кексаларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш биз ёшларнинг муқаддас бурчимиз экани, уларнинг жасорати ва матонати доимо намуна бўлиб хизмат қилиши ҳақида гапирдилар. "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида ўтган тадбирнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлиб, ёш авлод қалбида ғурур ва фахр-ифтихор туйғусини янада кучайтирди.

Муҳриддин АҲМАДАЛИЕВ, касб-ҳунар коллежи ўқувчиси.

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Олмалиқ шаҳар Оқтепа педагогика коллежида 14 та вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси лицей-коллежлари ўқувчилари ўртасида "Мен Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастурини қандай тушунаман" мавзуида иншолар танлови ўтказилди.

Танловда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Олмалиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик коллежи ўқувчиси Муқаддам Миржамолова 2-ўрин соҳиби бўлди.

Юлдуз ИСАЕВА.

ИЖТИМОИЙ СОҲА ХОДИМЛАРИ КЕКСАЛАР ХИЗМАТИДА

Вилоят туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари республика Президентининг "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини ижро этиш мақсадида рўйхатга олинган ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга кўрсатиладиган манзилли хизматларни юқори савияда ташкил этиш учун кўплаб ходимларни жалб этмоқда.

Ангрен шаҳридаги Ёшлар маданият саройида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган "Йилнинг энг яхши ижтимоий хизмат кўрсатиш ходими" кўрик-танловининг ҳудудий босқичида Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ходимлари белгиланди.

Республикамизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мазмунмоҳиятидан аҳолини хабардор қилиш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга уйларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган танловда Ангрен шаҳри вакили Матлуба Эсонова ғолиб чиқди ва танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ташкилотчилар танлов иштирокчиларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширишди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН – ЭНГ БАХТЛИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФЛАРИДА

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ҳатто "нол"дан ҳам эмас, "минус"дан бошлади. Собиқ тузум давридан мамлакатимизга пароканда бўлган саноат, ишдан чиққан ер ва қийин демографик вазият мерос бўлиб қолган эди. Юртимиз собиқ иттифоқда энг қолоқ ўлкалардан бири эди. Киши бошига тўғри келадиган ялпи ижтимоий маҳсулот бўйича 12-ўринда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринларда турарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, саноат ва инфратузилмани ривожлантиришга киришилди. Бир пайтнинг ўзида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар саломатлигини тиклаш, миллий генофондни яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағлар йўналтирилди.

Ана шундай кенг кўламда олиб борилган ислоҳотлар натижалари бугун барча соҳаларда намоён бўлмоқда.

Юртимизда юксак технологияларга асосланган замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Авваллари оддий гугурт ёки кундалик ош тузини ҳам четдан келтирган Ўзбекистон бугун автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, телекоммуникация ускуналари, маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида тараққий этган мамлакатлар билан бўйлашмоқда. "Made in Uzbekistan" белгиси туширилган маҳсулотлар халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорини ҳам забт этмоқда.

Жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Умуман, истиқлол йилларини олганда Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробардан зиёд ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар кўпайди. Шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 1,5 марта кўпайиб, 31,5 миллиондан ошганини инобатга олсак, бу кўрсаткичнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиб бораётгани аҳоли фаровонлигини ошириш учун замин яратмоқда. Бугунги кунда оилаларнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич ва кондиционерлардан фойдаланмоқда. Мобиль телефонлар, ноутбуклар, тюнерлар, плазма экранли телевизорлар, музлаткич камералар, сув иситиш бойлерлари ва бошқа замонавий маҳсулотлар ҳаётимизнинг бир қисмига, оддий ашёларга айланиб қолди.

Аҳолининг узоғини яқин қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан яна бири – автомобиль. Бугун шаҳар-ку шаҳар, энг чекка қишлоқда ҳам машиналар қатнови бир зум тинмайди. Ҳар икки уйнинг бирида машина. Баъзи оилаларда иккитадан автомобиль бор.

Мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар Ватанимиз чиройига чирой қўшмоқда. Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, юртимиз табиатига мос равишда, замонавий муҳандислик-коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай қурилган ушбу уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, айниқса, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмоқда.

Халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳолига сифатли товарлар етказиб бериш ва замонавий хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш, касалликларнинг олдини олиш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар самарасида аҳоли саломатлиги мустаҳкамланмоқда, одамларнинг умри узаймоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 75,8 ёшга етди. Бугунги кунда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук кексалар умргузаронлик қилмоқда.

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бунга тинчлик-осойишталик туфайлигина эришиш мумкин. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Мамлакатимизда ана шундай муҳит барқарор. Одамлар қалбида хотиржамлик, уйқусида ҳаловат бор. Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда. Барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмоқда.

Тинчлик-осойишталик самарасида мамлакатимиз изчил тараққий этмоқда. Ҳар бир соҳада ўзгариш, ривожланиш сезилмоқда. Одамлар қобилиятига, меҳнатига яраша рўшнолик кўрмоқда. Ҳаракат қилган барака топмоқда.

Бу ҳар бир оилага фаровонлик, хотиржамлик олиб кираётир. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, ўтган йили 98 фоиз аҳоли ўзи ва оиласининг моддий ҳолати яхшиланганини билдирган. Турмуш даражаси ва сифати, халқ фаровонлиги юксалаётганини таъкидлаб, келажакка катта ишонч билан қарашини айтган.

"Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтинги мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётганининг яна бир халқаро эътирофи бўлди. Ўзбекистон ютуқларини бутун дунё таниётгани, тан олаётганини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, буларнинг барчаси кўпни кўрган, эртанги кунга катта ишонч билан яшаётган, иродаси бақувват, имони бутун халқимизнинг меҳнати, мардлиги ва матонатининг натижасидир.

Анвар САМАДОВ, ЎзА шарҳловчиси.

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ, ҲАМ ОЛИЖАНОБ БУРЧ

Қибрай туманидаги фахрийлар сиҳатгоҳи отахон-онахонлар учун чинакам байрам туҳфаси бўлди. Туман ҳокимлиги ва тадбиркору фермерлар кўмагида қайта таъмирланган сиҳатгоҳда икки шифокор, ўндан ортиқ ҳамшира даволанувчиларга малакали хизмат кўрсатмоқда.

– Масканимизда уруш қатнашчилари ва фронт ортида хизмат қилган фахрийларга дам олиб, даволаниш бепул, – дейди шифокор Муножот Эрматова. – Бу ерда қарияларга 8-10 кун давомида физиотерапия муолажалари, уқалаш, электрофарез, УВЧ ва бошқа хизматлар кўрсатилади.

– Бу ердаги шароитлар жуда яхши, – дейди Илёс ота Фахриддинов. – Ҳоналар ёруғ ва замонавий жиҳозланган. Шифокорлар ширин сўз. Бундай ғамхўрлик учун Юртбошимиздан, бағри кенг халқимиздан миннатдорман.



Президентимиз таъкидлаганларидек: "...Бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир".

Муқаддас ИСРОИЛОВА. Даврон АҲМАД олган сурат.

18 май – Халқаро музейлар куни

ЖОНЛИ ЎТМИШИМИЗ КЎЗГУЛАРИ

Оққўрғоннинг ўтмиши, археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар ҳақидаги қимматли маълумотлар ерли халқнинг ўз аждодларига бўлган ҳурмат-эътибори, меҳр-муҳаббатини ошириши, ватанпарварлик туйғусини шакллантириши табиий.

"Оққўрғон тумани милоддан аввалги III асрда саклар томонидан асос солинган Қон давлатининг пойтахти бўлган, – дейилади маълумотномада. – Унинг асосий шаҳарлари Сирдарё ёқалари бўйлаб жойлашган... Қон давлатида улкан истеҳкомли мудофаа деворлари билан ўралган қалъа ва шаҳарлар, ибодатхоналар, савдо ва ҳунармандчилик маҳаллалари мавжуд бўлган. Унинг ҳудудидан Буюк Ипак йўлининг ўтиши давлатнинг иқтисодий ривожланишига асос бўлган. Савдосотиқ ривожланган, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган...

Бундан XXII аср аввал ҳар томонлама ривожланган, маданияти юксалган давлат катталиги, мавқеи жиҳатидан Ўрта Осиёда Афросиёбдан кейин иккинчи ўринда турган... Қанқа, Бинкат, Шоҳруҳия, Чач, Харошканд каби атамалари археологик қазилмалар пайти топилган ярим метрли пишиқ ғиштлар, турли ҳайкаллар, тамғалар, уйрўзғор буюмлари, 550 га яқин экспонатлар, диарама бўлимидаги XVIII асрга тааллуқли деҳқон уйи, ўтмишдаги Оққўрғон кўриниши акс этган тасвир-лавҳалар, туманнинг машҳур кишилари, фидойи меҳнаткашлари, пахта иши қурбонлари ҳақидаги маълумотлар, сўзсиз тарих кўзгуси. Қолаверса, мустақиллик йилларидаги улкан бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар самараси акс эттирилган панно-лар, Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб тайёрланган фахрийлар хонаси, ўлкашунослик фанини ўзлаштираётган иқтидорли ёшлар, устоз-мураббийлар фаолиятига бағишланган кўргазма материаллари эса келажак авлодга бугунги кундан дарак бериб туриши, халқимизнинг асрий орзуси мустақиллик неъматлари ҳақида ҳикоя қилиши табиий. Зеро, айтишга арзигулик ўтмишимиз, тарихимиз ва энг муҳими, буюк келажагимиз бор. Бу ҳақда япониялик археолог олим Кюдзо Като шундай дейди: "Ўзбекистоннинг тарихи жуда бой ва бетакрордир. Уни атрофлича ўрганиш мобайнида аниқланган Буюк Ипак йўли тарихига дахлдор ноёб маълумотлар тарих, археология, санъатшунослик фанларининг янада бойиши ва кенгайишида алоҳида аҳамият касб этади. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон илм-фани, маданияти ривожида муҳим ўрин тутганидан далолатдир. Мен кўп йиллар мобайнида Далварзинтепа, Қоратепа каби тарихий ёдгорликларда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишларим жараёнида бунга амин бўлдим".

Демак, ўтмишни хотирлаб, бугунни қадрлаб эртанги кун пойдеворини яратиш, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бобокалонларимизнинг бебаҳо меросини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг, айниқса ёш авлоднинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам тарихимиз кўзгулари бўлмиш музейларга бориш, мактаб-коллеж ўқувчилари билан турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб туриш ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик каттаю кичикнинг бурчи, вазифасидир.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Вилоятни яёв кезганда...

ЧИНОЗДАГИЛАР НИМА ДЕРКИН?

Эътиборимни тортган нарса иссиқлик қувури экан. Нима учун бу қувур девор ёқалаб эмас, айнан болалар майдончаси узра тортилган? Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмади. Туман иссиқлик манбаи корхонасига қўнғироқ қилиб, тушолмадим. Аммо, Давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими санитария врачи Зулайхо Абдусатторова дарҳол етиб келди. Бирга муассаса ҳовлисини айландик. Боғчани бу тарзда ободонлаштиргунча жамоа анча меҳнат қилгани кўриниб турибди. Ёнокдаги сўгалдек яққол кўзга ташланиб турган қувурга ишора қилдим.

– 2014 йил 29 январда, қувурнинг баъзи жойлари шиша урвоқли момиқ билан ўралмагани ва бу ҳақда тегишли ташкилотларга маълум қилмагани учун, боғча маъмуриятига 400 минг сўм жарима солинган, – деди З. Абдусатторова.

Ажабо. Нима учун бу қувурларга туман иссиқлик манбаи корхонаси эмас, боғча жамоаси қараб туриши, уларнинг техник ҳолати учун жавоб бериши керак? Тарбиячилар бу соҳа бўйича мутахассис эмас-ку! Нима учун жаримани иссиқлик манбаи корхонаси эмас, боғча маъмурияти тўлайди? Бу саволларга жавоб топиш истагида туман қозонхонаси томон йўл олдим. Манзил эшигида мени "Бегоналарнинг кириши ман этилади!" деган ёзув ҳамда катта қулф кутиб олди.



Қозонхона атрофида мўлжалимга кўра 10-15 тонна чиқадиган кўмир сочилиб ётибди. Унинг эгасини суриштира бошладим. Туман соғлиқни сақлаш бўлимидагиларнинг айтишича, бу кўмир туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ходимларига тегишли эмиш. У 2014-2015 йил қиш мавсуми таробаргарлик кўрмаган экан.

– Кўмирни эртагаёқ олиб кетишади, – дейишди соғлиқни сақлаш бўлимидагилар телефон орқали.

Совуқ кунларда бировни қизиқтирмаган, уч ойдан бери қаровсиз ётган кўмирни бир кунда ташиб-тарқатиб улгуришармикин? Йўловчилардан бирортаси билиб-билмай, ўчирилмаган сигарет қолдиғини ташлаб кетса, нима бўлади? Бу хўжасизлик учун жавоб берадиган бирор кимса борми?

Чиноздан қайтаяпман-у миямда юқоридаги саволлар ғужғон ўйнайверади. Уларга жавобан туман ҳокимлиги, ҳудуддаги иссиқлик манбаи корхонаси, ободонлаштириш, ёнғин хавфсизлиги бўлимлари нима дейишаркин?

Даврон АҲМАД.

(Давоми. Боши 1-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

МИЛЛИЙ РУҲДАГИ ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

Бугунги кунда мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Интернет, мобиль алоқа ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётир.

Маълумотларга кўра, юқори технологияларга асосланган хизматлар орасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ниҳоятда тез ривожланмоқда. Мазкур хизматлар 2010 йилга нисбатан 3,3 баробар, ўтган йили 24,5 фоизга ўсгани фикримиз исботидир.

Президентимиз Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2014 йилда мамлакатимизда барча автомат телефон станцияларини рақамли тизимга ўтказишни якунлаш учун замин яратди. Бу халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлигини сезиларли даражада

(Давоми. Боши 1-бетда).

ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар 10 миллион 200 минг кишини ташкил этади. Мазкур жараён, бир томондан мамлакатимизнинг замон билан ҳамнафас ривожланаётганини англатса, иккинчи томондан, аҳолининг интернетдан фойдаланиш маданияти ва кўникмасини юксалтиришни тақозо этади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур семинар-тренинг ҳам аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқарашини кенгайтириш, маънавиятини бойитиш, улар қалбида ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади.

Президентимиз раҳнамолигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланиш орқали маънан баркамол, мустақил ва эркин фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш ҳамда уларни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

– Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига қизиқувчи иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, миллий интернет сегментини ривожлантириш, ёшлар учун маҳаллий сайт ва ижтимоий тармоқлар яратиш масалалари бу борадаги устувор вазифалардандир, – дейди Тошкент Давлат аграр университети "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Шавкат Дурхўжаев. – Шу мақсадда университетнинг расмий веб-сайтида мазкур лойиҳа ўтказилаётгани ҳақида эълон бердик. 60 нафар талаба ушбу тадбирларда иштирок этиш истагини билдирди. Улар орасида ўзининг шахсий интернет портали ва блогига эга бўлган йигит-қизлар кўпчиликни ташкил қилади.



Ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим ва кўникмасини ошириш, интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, ахборот маконида ҳар томонлама фойдали, миллий руҳдаги сайтларни кўпайтириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ушбу тадбирда мутахассислар ахборот-коммуникация технологияларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш усуллари, сайт ва блог фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда юритишнинг ўзига хос қонун-қоидалари, тартиб-таомиллари ҳусусида атрофлича маълумот берди.

– Аксарият тенгдошларим интернет ёки турли ижтимоий тармоқларда ўз шахсий саҳифасига эга бўлишни истайди, – дейди Тошкент Давлат аграр университети биринчи курс талабаси Шаҳноза Ёқубова. – Лекин улар орасида интернетдан фойдаланишни билмайдиганлари ҳам учрайди. Қолаверса, кўпчилик ўзи учун зарур маълумотларни кутубхонадан эмас, муайян веб-сайтлардан изламоқда. Интернетга бирламчи манба сифатида қарашмоқда. Ҳозирги глобаллашув шароитида бу табиий ҳол. Шуни ҳисобга олиб, ўзимнинг шахсий блогимни очганман. Саҳифамга асосан тенгқурларим учун керакли ва фойдали маълумотларни киритиб бораман. "Олий таълим муассасалари талабаларининг ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича профессионал малакаларини оширишга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида ўтказиладиган "Энг яхши талабалар блоги" танловида иштирок этиш ниятидаман.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.

Ижтимоий ёрдам

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Хотира ва қадрлаш куни арафасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасини ёдга олиш, уруш иштирокчилари ва ногиронлари ҳамда меҳнат фронти фахрийларининг хизматларини қадрлаш, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирлашга бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди.

Жумладан, вилоят ногиронларни иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ҳам ҳар йилги анъанага содиқ қолиб, байрам арафасида тадбирлари ўтказди. Хусусан, марказ бошқаруви раиси Юлдузхон Мирзакаримова раҳбарлигида бир гуруҳ ходимлар Ангрен шаҳрида истиқомат қилувчи 100 ёшга етган мўътабар отахон-онахонларни, ёлғиз қариялар ва ўзгалар ёрдамига муҳтож кексалару ногиронларни уйма-уй байрам билан табриклаб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатдилар. Шунингдек, шаҳардаги "Афсона" тўйхонасида уюштирилган тадбирда уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фронти фахрийларига байрам совғалари улашдилар.

Ўз мухбиримиз.

Матбуот анжумани

ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ – АМАЛИЁТГА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" Давлат акциядорлик компанияси томонидан энерго захираларидан самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларини жалб этиш, жаҳон тажрибасини амалиётга қўллаш ва тўлов тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда юртимизнинг табиий бойликларини асраб-авайлаш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш, соҳага инвестиция лойиҳаларини самарали жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Айни кунларда "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан 26 та йирик ана шундай инвестиция лойиҳаларини бажариш ишлари амалга оширилмоқда. Улар асосида жорий йилда 8 та энергетика объектларининг ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, компаниянинг Тошкент, Толлимаржон, Навоий, Тахиатош иссиқлик электр станцияларида модернизация ишлари давом этмоқда.

Матбуот анжуманида фойдаланилган электр энергиясининг ҳисобини юритишни такомиллаштириш, тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида, тўлиқ ундириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, истеъмолчиларга яратилган имкониятлар ва қулайликлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

"Туркистон-пресс".

Олов – тилсиз ёв

Ёнғин ҳеч қачон ўз-ўзидан чиқмайди, балки одамларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги, эринчоқлиги сабабли юз беради. Кўпчилик ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмай, носоз иситиш печлари ва газ мосламаларидан ноқонуний фойдаланишади. Ҳатто, автомобилларга газ тўлдириш станцияларида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилмайдилар.

ГАЗ ЛОҚАЙДЛИКДАН ПОРТЛАЙДИ

Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул қишлоғидаги компрессор станциясида газ тўлдириш вақтида "ЗИЛ-130" русумли юк автомобилининг газ баллонларидан бирининг ёрилиши оқибатида ёнғин чиқиб, юк машинаси билан бирга DAMAS ва NEXIA автомобиллари ёниб кетди.

Пискент тумани, Оқтепа қишлоғи, "Янгиобод" маҳалласида яшовчи Собитжон Мажидов суюлтирилган газ (пропан) баллонини плитага ўрнатган ва редуктордан газ сизиб чиқаётганини сезмай, гугурт ёқиши натижасида чақнаш содир бўлиб, икки киши турли даражада жароҳат олиб, шифохонага тушди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ёнғиндан сақланиш, олдини олиш мақсадида сизларга яна бир бор эслатиб ўтамизки, аввало, газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этиш, печларнинг созлигини мунтазам назорат қилиш, газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишониб топширмаслик, ёниб турган газ плитаси устида кир қуритмаслик, газ ёнаётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш, газ ҳиди сезилса, учқун чиқарувчи мосламаларни (чироқ, телевизор ва ҳ.к.) ёқмаслик, дераза ва эшикларни очиб, хонани шамоллатиб, дарҳол газ идораларига хабар бериш лозим. Кечаси ёки уйдан чиқиш олдидан газ жўмрагини беркитмаслик, газ мосламаларига резина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳам ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Агар газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатиш керак бўлса, газлаштириш идоралари ходимларидан рухсат олиш ва бу ишни мутахассислар бажариши керак.

Халқимиз бойлигини, айниқса, одамлар ҳаётини ёнғиндан асраш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чоратадбирларни ўз вақтида кўриш, давлат ёнғин назорати текшириш давомида аниқлаган барча камчиликларни бартараф этиш лозим.

Иброҳим АБОБАКИРОВ,
вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси.

Саломат бўлинг

ҚЎЗИҚОРИН ЗАҲРИ ЖУДА ХАВФЛИ

Май ойи ҳам ёмғирлар давом этадиган давр бўлиб, қир-адирлар, майсазор ва ариқ бўйларида турли қўзиқоринлар ўсиб чиқади. Табиат неъматларининг фарқига бормайдиган кишилар қўзиқоринлардан заҳарланишлари турган гап. Улар муҳамор, заҳарли оқ қўзиқорин ва бошқа кўплаб турларини териб, ё истеъмол қиладилар ё бозорларда сотадилар.

Ёввойи қўзиқоринларнинг хавфли томони шундаки, улар қайнатилган ёки қовурилганда ҳам таркибидаги заҳарли модда-лар парчаланмайди. Уни истеъмол қилиш оқибатида марказий асаб тизими, жигар, буйрак каби ички аъзоларнинг иш фаолияти бузилиб, оғир асоратларни келтириб чиқаради.

Аҳолини заҳарланишдан сақлаш борасида вилоят ва ҳудудий ДСЭНМлар ҳамда "Саломатлик марказлари" мутахассислари жойларда "Қўзиқоринлардан заҳарланишнинг олдини олиш"га қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Улар истеъмолга яроқли ва яроқсиз қўзиқоринларни фарқлай олиш, бозор ва савдо дўконларидан харид қилганда, албатта, сифатига кафолат берувчи бирламчи ҳужжатларни талаб қилиш кераклигини уқтирмоқдалар.

Абдураҳмон ИСМОИЛОВ,
вилоят ДСЭНМ санитария бўлим мудири.

Санъат ва руҳият

АРТ-ТЕРАПИЯ РАҒБАТ УЙҒОТАДИ

Инсон ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён эта олиши кўп жиҳатдан унинг руҳий оламига, ўй-фикрлари ва ҳис-туйғуларига боғлиқ. Яқинлари, дўстлари ёки бирор кишининг муносабатидаги озгинагина кўполлик ҳам унга таъсир этиши, ишонч ва интилишини сўндириши мумкин. Айниқса, айрим оилаларда болаларнинг эркин ҳаракатини чекловчи тарбия услуби уларни атрофдагиларга қўшила олмайдиган, фикрини эркин ифода этолмайдиган қилиб қўяди.

Бугун тасвирий санъат оламига тобора чуқурроқ кириб келаётган Арт-терапия йўналиши инсондаги яширин имкониятлар намоён бўлишига, ўзига ишончининг ортишига катта таъсир кўрсатади.

Хўш, Арт-терапия нима? Арт – инглизчада санъат, терапия эса руҳиятни санъат таъсирида даволаш, соғломлаштириш, парваришлаш маъноларини беради. Яъни, бу инсон руҳиятини тасвирлар орқали даволашдир. Гоҳида кўнглингизда шундай туйғу ва кечинмалар ҳосил бўладики, уни фақат тасаввурдагина шакллантириш мумкин. Агар кўз олдингизда намоён бўлаётган ҳолатни ранглар ва шакллар орқали қоғозда ифода этсангиз, ундан қониқиш ҳосил қилсангиз, сизда шу ҳолатни яна ва яна ифода этиш истаги пайдо бўлади. Инсон ўзи билмаган ҳолда гўзаллик яратади ва шу ишидан роҳат олади. Бу унга руҳий қувват беради.

Бу услубнинг ўзига хос яхши жиҳати шундаки, ижод маҳсули баҳоланмайди ва таққосланмайди. Сиз оқ қоғозга туширган тасвир жуда жўн ва оддий бўлиши мумкин. Аммо, бу сизнинг меҳнатингиз. Сиз нимадир қилиш қобилиятига эгасиз. Бу эса сизда ишонч туйғусини оширади ва ички рағбат уйғотади. Албатта, рағбат инсонни муваффақиятларга, янги ғояларга ундайди.

Масалан, ўқув дастурларида маълум бир мавзу белгиланади ва кўпчилик ўқитувчилар шунга асосланиб машғулот ўтади. Дарс давомида ўқувчилар ҳам сиз тақдим этаётган кўргазмада тасвирланган ҳолатнигина чизади. Албатта, сиз ўз навбатида унинг ишини баҳолайсиз. Агар кўргазмадаги тасвирга ўхшатолса-ку, хўп-хўп, акси бўлсачи? Бунда паст баҳо олган ўқувчида рағбат сўнади. Шунинг учун дарсдан ташқари ташкил этилган машғулотларда тасвирий санъатнинг эркин усулларидан фойдаланишга катта эътибор қаратиш болаларда ижодий рағбатни кучайтиришга хизмат қилиши исботини топмоқда.

Бунинг учун машғулот давомида кўргазмада тасвирланган манзарадан четга чиқишларига, ишга ижодий ёндошишларига имкон яратиб берилади. Чунки, шу кўринишни янада бойитиб, унга қандайдир ўзгаришлар киритишига имкон берсангиз, болада фикрлаш кучаяди, тасаввури бойийди. Оқ қоғоздаги тасвирлар бойигани сари ўқувчида ижодий қобилият ўсади ва бу янги ғоялар туғилишига олиб келади.

Биз кўпинча болалар компьютер ўйинларига берилиб кетаётганидан нолиймиз. Хўш, бунга сабаб нима? Менимча, бола ўйин давомида ютади ва ютқазади. Шубҳасиз, муваффақият уни янада рағбатлантирса, мағлубият курашга чорлайди. Агар ёшларни тасвирий санъатга кўпроқ жалб этиб, янги ғояларга ундасак, муваффақиятларини кенгайтиришга кўмаклашсак фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки, ижод инсон ҳаётини ўзўзидан қизиқарли қилади. Шу орқали ўзига ташқаридан назар ташлайди. Бунга сабаб расм чизаётган ҳар бир киши, аввало, ўз ички дунёсини, ҳис-туйғуларини қоғозга туширади. Айтолмаётган фикрлари шу тасвирларда ўз ифодасини топади.

Сиз тасвирда, мусиқий оҳанг ёки рақсда ички ҳиссиётларингизни ифода этсангиз енгил тортасиз. Шу боис Арт-терапиядан фойдаланиш ҳамма ёшдагилар, барча касбдагилар учун фикрни тозалаш, енгил тортиш ва хотиржам бўлиш мақсадида жуда зарур.

Шу билан бирга санъатнинг бу йўналиши руҳий касалликни даволашда, сиқилиш, кучли безовталик ҳолатларидан чиқишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган психотерапиянинг мукаммал шакли эканини фан исботлаган.

Баъзилар: "Мен чиза олмайман, мен куйлай олмайман" деган фикр билан ўзларини чеклаб қўядилар. Ахир, умрида қўшиқ куйлаб кўрмай: "Мен қўшиқ айтолмайман", дейиш инсон руҳиятидаги камчилик, ўзига ишончнинг йўқлиги. Овозингиз ёмон бўлса-да, куйласангиз ёки ҳис-туйғуларингизни ранглар орқали ифода этсангиз, қалбан енгил тортасиз. Демак, сиз ўзингизни даволадингиз. Нимагадир ишонч пайдо бўлди.

Шу кичкинагина ишонч ёки умид сизни янада каттароқ муваффақиятларга етаклайди. Арт-терапия шу жиҳатлари билан инсонни янги ғояларга бошлайдиган йўналиш. Ёшларни янги ғоя ва муваффақиятларга ундашда санъатнинг бу услуби дунё тажрибасида ўз исботини топган.

Боғдагул ОТАШОВА,
вилоят педагогика коллежи дизайн кафедраси мудири, халқ таълими аълочиси.

Эълонлар

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 16 июнь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич оширилиб тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 18.12.2013 йилдаги 1002-сонли ижро варақасига асосан Оҳангарон туман СИБ томонидан хатланган Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Телов ҚФЙ, "Санам" қишлоғида жойлашган, умумий майдони 600,0 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 131,24 кв.метрдан иборат бўлган 3-хонали "Уй-жой ва бино иншоотлари" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 60 568 500 сўм. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK" Шайхонтохур филиалидаги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.
Лицензия рақами № RR 0173.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2015 йил 1 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдоларига Бекобод шаҳар СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 10.03.2013 йилдаги 1376-сонли ижро варақасига асосан Бекобод шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда и/ч, "Нексия" р-ли, д/р 10Х288GA, бошланғич баҳоси - 19 260 623 сўм, ЖИБ Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар судининг 12.08.2013 йилдаги 7440-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, 1978 йилда и/ч, "ИЖ-2125" р-ли, д/р 11О9497, бошланғич баҳоси - 481 527 сўм 60 тийин, Тошкент ҳарбий округ ҳарбий судининг 05.11.2012 йилдаги 11308-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, 1972 йилда и/ч, "ГАЗ-24" р-ли, д/р 11Т8238, бошланғич баҳоси - 520 740 сўм, ЖИБ Бекобод туман судининг 23.07.2012 йилдаги 7692-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, 1984 йилда и/ч, "Москвич-2140" р-ли, д/р 11V5694, бошланғич баҳоси - 168 561 сўм, ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 15.08.2011 йилдаги 10379-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ омборида сақланаётган, 1997 йилда и/ч, давлат рақамисиз, "ДТ-75" р-ли, бошланғич баҳоси - 1 343 030 сўм, ЖИБ Бекобод туман судининг 14.05.2012 йилдаги хамда 06.06.2014 йилдаги 2955-сонли ижро варақасига асосан "Бекободсавдо" МЧЖ омбор



Ёш истеъдодлар

ОНАМНИНГ ДУТОР ЧАЛИШИДАН ИЛҲОМЛАНГАНМАН

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: "...агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалambor буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак".

Дарҳақиқат, шоир, ёзувчи ва санъаткор ўз миллатини жаҳонга танитади. Бунда инсон руҳий камолотининг асоси бўлган мусиқанинг ўрни ва роли беқиёс. Буни Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан топилган қадимий най мисолида ҳам кўриш мумкин. У 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган. Бундан ташқари, Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар диёримизда мусиқа санъатининг чуқур илдиз отганини тасдиқлайди. Сўнгги йилларда мумтоз мусиқий меросимизни ўрганиш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги мусиқа мактаблари қурилиб, мавжудлари тубдан қайта таъмирланаяпти, моддий-техник базаси яхшиланиб, чолғу асбоблари билан таъминланаяпти. Турли кўрик-танловлар ташкил этилиб, мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиш бахтига муяссар бўлаяптилар.

Чирчиқ шаҳридаги 15-мусиқа ва санъат мактабининг 8-синф ўқувчиси Омонбек Рихсимбоев шундай истеъдодли ёшлардан. У Озарбайжон пойтахти Баку шаҳрида ўтказилган IV халқаро мумтоз мусиқа кўрик-танловида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Танловда Эрон, Индонезия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби давлатлардан жами 100 га яқин ўғил-қиз ўзаро беллашди. Мамлакатимиздан борган 20 мусиқачининг уч нафари чирчиқлик вилоятдошларимиз бўлиб, фортепьяно, кларнет, фагот, флейта, саксофон, рубоб каби чолғуларда маҳоратларини намойиш этдилар.

– Мусиқага қизиқишим бежиз эмас, – дейди Омонбек Рихсимбоев. – Онажонимнинг дутор чалишларидан илҳомланганман, десам тўғри бўлади. Болалик ҳаваслари ҳаёт ҳақиқатига айланишида онамнинг меҳнатлари катта. Уларнинг йўл-йўриқлари билан 8 ёшимдан рубоб чала бошладим. Кларнетни ўзлаштиришимда устозим Жасур Жуалиевнинг улкан хизматлари бор. Мен улардан жуда миннатдорман.

Дарвоқе, Омонбек ўтган йили Сочида бўлган "Магнолик мамлакати – 2014" ва Санкт-Петербургда ўтказилган "Баҳор илҳомлари – 2013" халқаро танловларида ҳам 1-ўринни қўлга киритган.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Марафон

Олмалиқ шаҳрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ҳаваскор велоспортчилар ўртасида ўтказилаётган "Касаба – тур" республика веломарафонининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР БАҲСИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, спортнинг барча турлари билан шуғулланиш учун замонавий шароитлар яратишга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

– "Касаба – тур" веломарафонида иштирок этиш истагида бўлган ҳаваскор спортчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда, – дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Гўзал Тўхтаева. – Мусобақанинг туман ва шаҳар босқичларида 715 корхонадан 8 мингдан зиёд ҳаваскор велоспортчи иштирок этгани фикримиз тасдиғидир.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларни спортга кенг жалб этиш, меҳнаткашларни муайян касб касалликларидан спорт ҳамда соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган веломарафонда 300 га яқин ҳаваскор спортчи ғолиблик учун баҳслашди.

Мусобақада 25-30-35 ва ундан юқори ёшлилар ўртасида ғолиб бўлган 6 нафар ҳаваскор спортчи веломарафоннинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

– Веломарафон баҳона бошқа шаҳар ва туманлардаги ҳамкасблар билан дўстлашдик, ўзаро тажриба алмашдик, – дейди Чиноз туманидаги 5-ихтисослаштирилган махсус-мактаб интернат тарбиячиси Дилдора Турсунова. – Спорт нафақат саломатлик гарови, балки дўстлик элчиси эканига яна бир бор ишондим. Мусобақанинг мамлакат босқичига йўлланма олганимдан хурсандман.

Мусобақада "Фахрий пойгачи", "Энг фаол пойгачи", "Ғалабага бўлган иштиёқи учун", "Энг ёш пойгачи" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Б. ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири.



Мини футбол

ҒОЛИБЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар кенгаши саноат касб-ҳунар коллежи спорт залида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежи ходимлари ўртасида мини футбол бўйича хотира турнири ўтказди.

Қизғин баҳслардан сўнг Чирчиқ академик лицейи жамоаси 1-, техника касб-ҳунар коллежи 2-, саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 3-ўринни эгаллади.

Ғолиблар ва иштирокчилар касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.



– Шивирлаб айтганимни дугонам эшитармикин...

Қобилжон ҒОФУРОВ сурат-лавҳаси.

Кўргазма

ТАРИХИЙ ХОТИРА

Тошкент фотосуратлар уйида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган бадиий кўргазма очилди.

Экспозиция уч қисмдан иборат бўлиб, рангтасвирчи рассом Геннадий Серовнинг шахсий кўргазмаси, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг уруш фахрийлари шўъбаси аъзоларининг асарлари ва фотосуратлар ўрин олган.

Рассом Г. Серов П. Беньков номли республика рассомлик билим юртини тугатиб, фаолиятини Чирчиқдаги заводда бош конструктор-рассомликдан бошлаган, санъат мактабида дарс ҳам берган. Ҳозирги вақтда Тошкентдаги дизайн коллежида ўқитувчи.

Г. Серов Ўзбекистон ва хорижда ўтказилаётган кўплаб кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. Унинг асарларида табиатга, она заминга, Тошкент вилоятининг гўзал манзараларига меҳр-муҳаббатни кўрамиз. Экспозициядан "Ҳожикент", "Бурчмуллага йўл", "Оқтош тоғларида ҳордиқ", "Чорвоқ сув омбори ёхуд пляжга йўл", "Оқтош тоғлари", "Ҳожикент шаҳарчаси" ҳамда "Билдирсой тоғлари", "Угом дарёси устидаги кўприк", "Кумушкон ёмғирдан сўнг" асарлари ўрин олган.

Шунингдек, фото уйининг фахрийлар шўъбаси аъзолари асарлари қўйилган залда рассом Евгений Гадецкийнинг кўпгина асарлари қатори "Кичик Чимён чегарасидаги бургут" каби ижод намуналари намойиш этилмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Қилмиш-қидирмиш

КАСОФАТИ ЎЗИГА УРДИ

Ичкиликбозлик келтирадиган кулфату фожиалар ҳақида истаганча гапириш мумкин. Бугун ҳам ароқхўрлик оилаларга нотинчлик, мусибат ва ғам олиб келаётир, навниҳол йигитлар умрини хазон қилаётир. Энг ачинарлиси, жиноятларнинг аксарияти ҳам ичкилик таъсирида содир этилмоқда.

...Нусрат саҳарлаб ўртоғи Мавлонникига йўл олди. Мавлон Света исмли аёл билан никоҳсиз яшарди. Аёл унинг хотини эмас, улфати десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Зеро, спиртли ичимликларни сипқоришда унча-мунча эркак Светанинг олдига тушолмайди. Шу куни икки эркак ва бир аёлдан иборат ҳамшишалар нонуштани ҳам ароқ билан бошлашди. Бироқ, шишадаги ароқ урвоқ ҳам бўлмади. Энди улфатлар зиёфатни давом эттириш учун ернинг тагидан бўлса ҳам пул топиш ҳаракатига тушишди. Аксига олиб, уйда ҳам "сичқонлар ҳасса таяниб юришибди".

Шу пайт йигитлардан бири беминнат қарз бериб турадиган Володя амакиси борлигини эслаб қолди. Пул илинжида шоша-пиша уйдан чиққан Нусрат билан Мавлон йўл бўйи бирор баҳона ўйлаб боришди. Хуллас, Володя амаки ароқхўрлар қўлига пул тутди. Маишатни давом эттириш ниятидаги улфатлар дарҳол бозорга тушиб, уч шиша спиртли ичимлик, овқат учун масаллиқ харид қилиб, уйга шошилишди.

Бу орада ёлғизликдан зериккан Света анчадан буён унга қармоқ ташлаб юрган қўшниси Алексейни эслади ва уни уйга таклиф қилди. Алексей жон деб, кирди...

Бозорликни қўлтиқлаган Мавлон эшик қўнғироғини босди, бироқ ҳеч ким очмади. Бундан жаҳли чиққан йигит эшикни муштлади. Ниҳоят, Света эшикни шаҳд билан очди-да, уларни оғзига келган сўзлар билан ҳақоратлаб, ҳайдаб соларкан, спиртли ичимликларга кўзи тушди-ю, шартта биттасини олиб, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Уйидан ҳайдалган Мавлон нима қилишини билмай қолганда, ўртоғи Нусрат жонига оро кирди. Шунча нарса увол бўлишини истамаган йигит уни ўз уйига таклиф қилди. Энди зиёфат Нусратникида давом этди. "Ўхшатмасдан учратмас", деганларидек, у ҳам бир аёл билан ноқонуний яшарди. Кутилмаганда уларникига оилавий танишлари – Даврон келиб қолди. Шундай қилиб, уч улфат бирга ўтиришди. Бу орада Нусрат таниши билан бирга Светаникига уни зиёфатга чақириш учун боришди. Бироқ, аёл уларга эътибор ҳам бермади. Улар уйга қайтиб келгач, Нусрат йигирма дақиқага ташқарига чиқди. Бу пайтда кайфи тароқ Мавлон уриниб-суриниб уйига шошилди. Хонада Даврон ёлғиз қолганди. Унинг нияти бузилди. Шу заҳоти уй тўридаги телевизорни бир амаллаб кўтарди-ю, бошқаларнинг кўзини шамғалат қилиб, кўчага йўл олди. Телевизорга дарров харидор топилди. Ўткинчи аёллардан бири уни арзимаган пул – 30 минг сўмга жон-жон деб харид қилди. Ўғирлик орқасидан топилган пулга қаҳвахонага кириб, еб-ичиб ўтирган йигит айни вақтда унинг касофати туфайли қандай мудҳиш ишлар содир бўлаётганидан бехабар эди...



Эр ва хотин бироздан сўнг уйга қайтиб киришса, на меҳмонлар, на телевизор бор. Шубҳаланган Нусрат Мавлонникига бориб, уни ўғриликда айблади. Йигитнинг бундан қаттиқ жаҳли чиқиб, уни ҳақорат қилди. Шунда кайфи тароқ Нусрат хонтахта устида турган пичоқни олиб, ўртоғини...

Минг афсуски, маст-аластлик оқибатида бир одам ҳаётдан кўз юмди. Яъни, ичкиликнинг касофати ўз "иши"ни қилди.

Ўткир ДАУЛАНОВ,
Учтепа тумани прокурори ўринбосари.

ХХI аср ва Дунё

ҚУРБОНЛАР САККИЗ МИНГДАН ОШДИ

CNN агентлиги фавқулодда вазиятлар миллий маркази маълумотларига таяниб тарқатган хабарда келтирилишича, Непалда юз берган кучли зилзила қурбонлари 8 минг кишидан ошди.

Сўнгги маълумотларда айтилишича, бугунгача табиий офат сабабли ҳаётдан кўз юмганлар 8019 кишига етди. Бундан ташқари, 17 минг 866 киши жароҳатланди, 366 киши бедарак йўқолган.

Марказнинг сўнгги таъкидига қараганда, зилзила оқибатида мамлакатдаги 10 фоиздан зиёд уйлар вайрон бўлган ёки жиддий шикастланган. Зеро, 25 апрель куни юз берган зилзила 7,9 магнитуда кучга эга эди. Унинг маркази мамлакат пойтахти Катманду шаҳридан 82 километр нарида бўлган. Маҳаллий ҳокимиятнинг айтишича, бу 1934 йилдан буёнги энг кучли ер силкинишидир.

ПРЕЗИДЕНТ ИККИНЧИ БОСҚИЧДА САЙЛАНАДИ

Польша радиосининг маълум қилишига кўра, президент лавозимига бўлиб ўтган сайловларнинг биринчи босқичида 11 номзод иштирок этди.

Бир қатор етакчи оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, давлатнинг амалдаги бошлиғи Бронислав Коморовский сайловларда 32,2 фоиз овоз олди. Бироқ, унинг асосий рақиби "Ҳуқуқ ва адолат" бирлашмаси вакили Анжей Дуда ундан кўпроқ – 34,8 натижа билан биринчи бўлди. Яна бир номзод Павло Кукизани 20,3 фоиз сайловчи ёқлаб овоз берди. Қолган 8 номзод ўртача 2 фоиз нари-берисида овоз олди, холос.

Маълумотларга қараганда, сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 49,4 фоизи қатнашди.

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА ЎҒРИЛИК ЮЗ БЕРДИ

Висконсин штатидаги Гринвилл шаҳри ҳайвонот боғида номаълум шахслар кенгуру ва тўртта эчки болаларини ўғирлаб кетишгани ҳақида хабар тарқатди NBC News.

Хабарда таъкидланишича, кенгуру боласини онасининг қорнидаги халтасидан ўғирлашган. Зудлик билан бошланган қидирув ишлари ҳозирча натижа бергани йўқ.

Ҳайвонот боғи эгаси Дона Уиллернинг журналистларга берган баёнотида таъкидланадики, у 15 йилдан буён ишлаётган бу ҳайвонот боғида ҳеч қачон ўғрилик юз бермаганди. Энди у керакли жойларга видеокамера, шунингдек, ҳайвонлар сақланадиган катакларга қўшимча қулфлар ўрнатмоқчи.

КОНСЕРВАТОРЛАРНИ ҚОРАЛАБ, СОЦИАЛИСТЛАРНИ ЁҚЛАШДИ

Лондонда ҳукуматга қарши тинч йўл билан бошланган норозилик акциялари жараёни оммавий ҳибсга олишлар билан якунланди.

9 май куни бошланган акция иштирокчилари аввалига Дэвид Кэмероннинг ҳукмдор консерватив партиясига қарши қаратилган шиорларни кўтариб чиқишди. Reuters агентлигининг маълум қилишича, 100 га яқин киши консерваторларни ҳукумат тепасидан ҳайдаб, социалистлардан иборат янги ҳукумат тузиш талаб этилган плакатларни кўтариб олган эди. Полициячилар Даунинг-стритдаги ҳукумат бошлиғи қароргоҳи томон йўлни намойишчилардан тўсиб қўйишга уринишганда қаттиқ қаршиликка дуч келдилар. Намойишчилар уларга қарата тош, шиша улоқтиришга киришишди. Натижада тўрт полициячи турли даражада жароҳатланди. Полиция ҳам 17 намойишчини ҳибсга олди.

Sky телеканали хабарига кўра, тинч намойишчиларнинг пировардида тўполон кўтаришларига полициячиларнинг ҳаддан ортиқ қаттиққўллик қилганликлари сабаб бўлди. Шунга қарамай, ҳукумат матбуот хизмати намойишчилар ҳаракатини қоралади.

Ҳукуматга қарши бундай намойишлар мамлакатнинг бошқа бир қатор шаҳарларида ҳам юз берди.

ПОРТЛАШ ХАВФИ САБАБЛИ ПАРВОЗ ТЎХТАТИЛДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Al-Etihad авиакомпаниясига қарашли А321 самолёти портлаш хавфи сабабли Дубайдаги Ал-Минҳод ҳарбий авиабазасига шошилинч қўнишга мажбур бўлди.

Компаниянинг таъкидлашига қараганда, самолёт Миср пойтахтидан Бирлашган Араб Амирликлари сари парвоз қилган эди. Самолёт обдон текширувдан ўтказилгандан сўнг йўловчилар Абу-Дабидаги халқаро аэропортга жўнатилди. Авиакомпания ушбу ҳодиса туфайли зарарларни ўзи қоплашини маълум қилди.

Ҳаво лайнери бортида 128 йўловчи ҳамда 7 экипаж аъзоси бор эди. Ҳозирча нима сабабдан шундай воқеа юз бергани маълум қилинмаяпти.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2887. Адади 13762. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30.